

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.24/30.12.2019.GM.41.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ**

ТУХТАЕВ КАБУЛ МУХАММАДИЕВИЧ

**ЖАНУБИЙ УСТЮРТ БОТИҚЛИГИНИНГ ЧЎКИНДИ ҚОПЛАМИ
ҚУЙИ ГОРИЗОНТЛАРИ ВА ПАЛЕОЗОЙ МАЖМУАСИНИНГ
ЧУҚУР ГЕОЛОГИК ТУЗИЛИШИ ҲАМДА НЕФТГАЗЛИЛИК
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

04.00.07 – Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Тухтаев Кабул Мухаммадиевич

Жанубий Устюрт ботиқлигининг чўкинди қоплами қуйи горизонтлари ва палеозой мажмуасининг чуқур геологик тузилиши ҳамда нефтгазлилиқ истиқболлари.....

5

Тухтаев Кабул Мухаммадиевич

Глубинное геологическое строение и перспективы нефтегазоносности палеозойского комплекса и нижних горизонтов осадочного чехла Южно-Устюртской впадины.....

Tuxtaev Kabul Muxammadievich

Janubiy Ustyurt botiqligining choʻkindi qoplami quyi gorizontlari va paleozoy majmuasining chuqur geologik tuzilishi hamda neftgazlilik istiqbollari.....

Нашр килинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.24/30.12.2019.GM.41.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ**

ТУХТАЕВ КАБУЛ МУХАММАДИЕВИЧ

**ЖАНУБИЙ УСТЮРТ БОТИҚЛИГИНИНГ ЧЎКИНДИ ҚОПЛАМИ
ҚУЙИ ГОРИЗОНТЛАРИ ВА ПАЛЕОЗОЙ МАЖМУАСИНИНГ
ЧУҚУР ГЕОЛОГИК ТУЗИЛИШИ ҲАМДА НЕФТГАЗЛИЛИК
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

04.00.07 – Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/GM48 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ing.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) тармоғида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Абдуллаев Ғайбулла Сайфуллаевич**
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Богданов Александр Николаевич**
геология-минералогия фанлари доктори,
катта илмий ходим

Холисматов Ирмухаммад
геология-минералогия фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **«Ўзбекгеофизика» АЖ**

Диссертация ҳимояси Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти ҳузуридаги DSc 24/30.12.2019.GM.41.01 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «21» октябр соат_10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100059, Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 114-уй. Тел.: (+99871) 253-09-78, факс: (+99871) 250-92-15; e-mail: igirnigm@ing.uz).

Диссертация билан Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4138 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100059, Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 114-уй. Тел.: (+99871) 253-09-78, факс: (+99871) 250-92-15; e-mail: igirnigm@ing.uz)

Диссертация автореферати 2020 йил «30» сентябрь куни тарқатилди.
(2020 йил «03 » сентябрдаги 1 рақамли реестр баённомаси).

Ю.И.Иргашев
Илмий даражалар бериш бўйича Илмий
кенгаш раиси, г.-м.ф.д., профессор

М.Г.Юлдашева
Илмий даражалар бериш бўйича Илмий
кенгаш илмий котиби, г.м.ф.н.

Т.Х.Шоймуротов
Илмий даражалар бериш бўйича Илмий кенгаш
ҳузуридаги Илмий семинар раиси, г.-м.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусини долзарблиги ва зарурати. Дунёда ҳозирги вақтда нефть-газ саноатини ривожлантириш излов-разведка ишлари ҳажмини кўпайтириш углеводород уюмларини излашнинг янги методик усулларини палеозой комплекси ва чўкинди қопламнинг пастки, катта чуқурликда ётган горизонтларда жойлашган ноанъанавий локал объектларга фаол жорий этиш билан амалга оширилади. Шу сабабли литосфера блокларини горизонтал йўналишда силжиш қонуниятларини ўрганиш ва нефть-газга истиқболли ёриқ-блокли локал структураларнинг ҳосил бўлишини аниқлаш нефть ва газ соҳасининг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.

Дунёда ҳозирги вақтда кўмилиб кетган чўкинди қоплам ости комплексларининг структура планларини ва моддий таркибини ўрганишга аҳамият берилмоқда, бунда регионал линеаментлар, катта чуқурликдаги ёриқлар, кўппоғонали қия ва силжима ёриқли бузилишларнинг регматик системалари ва бошқалар хариталанди. Ушбу масалаларни ҳал қилиш учун турли тадқиқотлар ўтказилмоқда, жумладан: дала геофизика кузатувлари ва бурғиланган чуқур қудуқлар материалларидан фойдаланиб горизонтал механик кучланишларнинг рақамли моделлаштириш, ер қаърининг айрим блокларининг горизонтал силжишини геодинамик қонуниятларини аниқлаш, палеозой комплекси ва чўкинди қопламнинг қуйи горизонтлари структура планларини шаклланишида неоген-тўртламчи геодинамик режим ролини асослаш, нефть-газли формацияларнинг шаклланиш хусусиятларини ўрганиш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Республикамизда иссиқлик-энергетика комплексини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, унинг суръати углеводород хом ашёси захирасини кўпайтириш ва уни қазиб чиқаришни орттириш билан бевосита боғлиқ. Ҳозирги кунда геологик-разведка ишлари ҳажмини режали ва босқичма-босқич ривожлантириш ва ошириш, шу билан бирга излов-разведка ишларини катта чуқурликдаги чўкинди қопламга ва қопламности палеозой комплексига йўналтириш лозим. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида ... «ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантириш ва сифат жиҳатдан янги босқичга ўтказиш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Жанубий Устюрт ботиғи чўкинди қопламининг қуйи горизонтлари ва палеозой комплексини ўрганиш, унинг нефть-газлилигини башорат қилиш ва янги локал объектларни аниқлаш муҳим бўлиб, катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПҚ-5646-сон «Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика соҳасини бошқариш системасини тубдан такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги ПҚ-2755-сон «Ўзбекистон Республикаси Устюрт нефть-газли регионида геологик-разведка ишларини кенгайтириш бўйича тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 майдаги ПҚ-3006-сон «2017-2021 йилларда минерал ресурслар базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2019 йил 18 ноябрдаги ПҚ 422-сон «Нефть ва газ учун бажариладиган геологик-разведка ишларини бажариш ва ташкил этиш системасини такомиллаштириш бўйича тадбирлар тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VIII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Геодинамик фаол ҳудудлар чегарасида нефть ва газ учун геологик-разведка ишлари (ГРИ) ни ўтказишда нефть-газга истиқболли локал ёриқ-блокли объектларнинг геологик тузилишини ўрганиш зарур. Уларнинг шаклланиши қия ва силжима-узилмали бузилишларнинг кўппоғонали регматик системаси билан узвий боғлиқ бўлади, бу жараён ер қаъридаги ёнма-ён жойлашган литосфера блокларининг горизонтал силжишида юзага келадиган кучланиш-деформацияланиш ҳолати билан боғлиқ.

Россия федерациясидаги Скиф плитасининг неотектоникаси ва геодинамикаси В.А.Зайцев, Л.В.Панина томонидан ўрганилди. Ғарбий-Сибирь плитасининг марказий қисмидаги чўкинди қопламнинг маҳсулдор литологик-стратиграфик комплексларининг неотектоник жараёнлари Л.В.Панина ва Е.А.Маннуиловалар тадқиқ қилдилар. Шарқий Европа платформаси ва Скиф плитасидаги янги платформа плиталарини ўрганиш билан Н.В.Макаров ва Т.В.Сухановлар шуғулланган.

Марказий Осиёдаги ҳамда Ўзбекистоннинг нефть-газли регионларидаги қия ва силжима узилмали бузилишлар ва ёриқ-блокли регматик системалар А.А.Бакиров, Н.Я.Кунин, К.А.Клещев, В.С.Шейн, Г.Ж.Жолтаев, Г.Р.Бекжанов, Н.Г.Давыдов, М.А.Ахмеджанов, О.М.Борисов, Э.Р.Базарбаев, И.А.Фузайлов, Ш.Д.Давлятов, Б.Б.Ситдиқов, Б.Б.Таль-Вирский, Т.Л.Бабаджанов, А.Е.Абетов, Э.Р.Шейх-заде, А.Р.Ярмухамедов, О.П.Мордвинцев, А.А.Абидов, И.У.Атабеков, Ф.Г.Долгополов, А.И.Ходжиметов, В.И.Троицкий, Г.С.Абдуллаев, Ж.Ю.Юлдашев, В.Н.Башаев, Ю.М.Садықов, Р.И.Денисов, Д.Р.Хегай, М.Г.Юлдашева, Л.Р.Бикеева, Р.Р.Хасанов ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Нефть ва газ учун бажарилган ГРИ ни ҳамда ҳудуднинг ёриқ-блокли тузилишини ўрганиш натижаларининг таҳлили уларнинг самарадорлигини бир нечта омилларга, чунончи: аниқ бир геодинамик режимга хослигини, қия ва силжима-узилмали бузилишларнинг кўппоғонали регматик системалари

шаклига, жинсларнинг моддий таркибига, сейсморазведка далилларига боғлиқлигини кўрсатди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти «ИГИРНИГМ» АЖ илмий-тадқиқот ишлари режасига кўра қуйидаги мавзулар бўйича амалий лойиҳалар доирасида бажарилган: №9-18 «Марказий Устюрт дислокация системалари ва Шохпахта поғонаси ҳудудларида тарқалган палеозой комплекси ва чўкинди қопламости горизонтларидаги нефть-газга маҳсулдор ёриқ-блокли локал структураларда бажариладиган ГРИ ни назарий жиҳатдан таъминлаш» (2018 й.), № 9-19 «Шоржин кўтарилмасининг жанубий қисми, Ассакеаудан эгилмаси ва Қоплонқир вали ҳудудларида тарқалган палеозой комплекси ва чўкинди қопламости горизонтларидаги нефть-газга маҳсулдор ёриқ-блокли локал структураларда бажариладиган ГРИ ни назарий жиҳатдан таъминлаш» (2019 й.) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Жанубий Устюрт ботиклигидаги палеозой комплекси ва чўкинди қоплам остидаги горизонтларнинг ёриқ-блокли тузилишини ҳисобга олган ҳолда геологик тузилишини ва нефть-газга истиқболлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Жанубий Устюрт ботиғида қия ва силжима-узилмали бузилишларнинг регматик системасини ажратиш мақсадида регионал геодинамик асосларни ишлаб чиқиш;

зонал ва локал даражадаги аниқ силжима-узилмали бузилишлар ва блокларни хариталаш учун регионал, геологик-геофизик ва сейсмогеологик кесимларнинг оптимал системасини яратиш;

узилмали-бузилишлар ва блоклар шаклини пастдан юқорига қараб сўниш характерини аниқлаш учун кристалл фундамент, палеозой комплекси, перм-триас оралиғидаги қуйи-, ўрта- ва юқори юра даври ётқизикларининг юзасини узилмали-блокли тузилишини муфассаллаштириш;

палеозой комплекси ва чўкинди қоплам пастки горизонтларининг узилмали-блокли тузилишини ҳисобга олган ҳолда геотектоник районлаштириш;

ГРИ нинг кейинги йўналишларини белгилаш учун ёриқ-блокли структураларнинг нефть-газлилигини башоратлаш.

Тадқиқотнинг объекти Жанубий Устюрт ботиклиги кристаллик пойдевор, чўкинди қоплам ости палеозой комплекси, перм-триас оралиқ катлами, қуйи-, ўрта- ва юқори юра даври ётқизиклари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети палеозой комплекси ва чўкинди қоплам ости горизонтларининг ёриқ-блокли локал структураларининг нефть-газлилигининг геологик тузилишини ўзига хос хусусиятлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда геологик-геофизик тадқиқотлар комплекси маълумотлари интерпретация қилинди ва қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилди: регионал геодинамик асос ишлаб чиқилди, геологик-геофизик ва сейсмогеологик кесимларнинг оптимал системалари

тузилди, икки қаватли геологик муҳит геотектоникаси районлаштирилди ва асосий структуралар юзаларининг тузилиши муфассал ифодаланди, нефть-газга истиқболли ноанъанавий объектлар ажратилди, геологик-разведка ишларининг кейинги йўналишлари белгиланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Палеозой комплекси ва чўкинди қопламнинг пастки горизонтларидаги ёриқ-блокли структуралар планларини муфассаллаштириш учун Жанубий Устюрт ботиғидаги қия ва силжима-узилишларнинг учта кўппоғонали регматик системалари мавжудлиги исботланган;

кристаллик пойдевор, палеозой ва мезозой комплекси жинсларининг асосий структура юзаларини хариталаш учун регматик системалар ва блоклар элементлари аниқланган;

регматик системаларнинг сўниш ва блоклар қиёфасининг ўзгариш характери палеозой ва мезозой структура қаватлари (қуйи горизонтлар) бўйича геотектоник районлаштириш учун аниқланган;

Жанубий Устюрт ботиқлигининг палеозой комплекси ва чўкинди қопламнинг қуйи горизонтлари бўйича нефть-газгеологик районлаштириш ва истиқболли объектларни ажратиш учун геотектоник харита ишлаб чиқилган;

палеозой ва юра даври жинсларидаги кам дислокацияланган блоклар таркибидаги юқори даражада дарзланган ва ўтказувчан зоналарда нефть-газга истиқболли локал объектларнинг янги типларини ажратиш методикаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Жанубий Устюрт ботиғи чегарасидаги янги ноанъанавий объектларда ГРИ бажариладиган янги олтита истиқболли участкалар аниқланган;

геологик-разведка ишларини ўтказишда самарали геофизик методлар комплексини ўз ичига олган сейсморазведка ва умумий чуқурлик нуктаси методи УЧНМ-3D ва электроразведка (МТЗ) ишлаб чиқилган;

истиқболли объектларнинг структуравий ўзига хослигини ҳисобга олган геофизик дала кузатувларининг оптимал системалари ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ишда қўлланилган 1359 км УЧНМ-2D сейсморазведка кесмалари, 76 кв. км УЧНМ-3D майдоний сейсморазведка, 18 дан ортиқ чуқур қудуқлардан олинган керн ва қудуқлардаги геофизик тадқиқотлар ва ишлар (ҚГТИ) натижаларида тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Жанубий Устюрт ботиғидаги палеозой комплекси ва чўкинди қопламнинг пастки горизонтлари таркибидаги нефть-газга истиқболли ёриқ-блокли локал структураларни белгилаш учун бажариладиган ГРИ ни назарий жиҳатдан таъминлаш имконияти билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти углеводород хом ашёси уюмларини излаш мақсадида нефть-газга истиқболли объектларни ажратишдан иборат бўлиб, у янги нефть ва газ конларини очишга ҳамда

Ўзбекистон Республикаси углеводород ресурслари базасини орттиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Палеозой мажмуасининг геологик тузилишини ва Жанубий Устюрт ботиқлигининг чўкинди қоплами қуйи горизонтларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Жанубий Устюрт палеозой комплекси ҳамда чўкинди қоплами қуйи горизонтларининг ёриқ-блокли типдаги ноанъанавий локал объектларини аниқлаш бўйича махсус методлар “Ўзбекгеофизика” АЖда амалиётга жорий қилинган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2019 йил 11 октябрдаги 02/17-5-193-сон маълумотномаси). Натижада, Тасаюк, Дарёлик-Даудан ва Жанубий Шоржин нефть-газга истикболли ёриқ-блокли структураларни кейинги тадқиқотлар билан муфассаллаштириш ва контурлаш имконини берган.

Шерқала майдонининг геологик моделини аниқлаштириш мақсадида 2 ва 3 номерли кидирув кудуқларини жойлаштириш бўйича методлар “Ўзбекнефтегаз”да АЖда амалиётга жорий қилинган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2019 йил 11 октябрдаги 02/17-5-193-сон маълумотномаси). Натижада, Шерқала майдонидаги палеозой ва мезозой ётқизиқларининг нефть-газга бойлигини баҳолаш билан бирга геологик тузилиши, ётқизиқларнинг ётиш шароитлари, уларнинг таркиби ва ёшини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотларнинг асосий натижалари 2 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан Республика нашрларида 4 та ва хорижий журналларда 1 та мақола нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 135 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Жанубий Устюрт ботиғи чегарасидаги структуравий, геотектоник ва нефть-газгеологик тузилмалар**

системалари учун регионал геодинамик асос» деб номланган биринчи бобида илгари тузилган геотектоник ва структуравий тузилмалар таҳлили, ўрганилаётган структуравий планларни шаклланишида неоген-тўртламчи геодинамик режимнинг таъсири ва мавжуд фактик маълумотлар базасининг тавсифи келтирилган.

Ташқи кучлар таъсири остидаги ботиқликнинг геологик макони - бу иккиламчи чўзилиш майдонлари ҳосил бўладиган икки томонлама нотекис сиқилган майдондир. Максимал сиқилган зоналарга Марказий Устюрт дислокация системалари ва Қоплонқир валининг шимоли-шарқий қисмлари тўғри келади. Иккиламчи чўзилиш ҳудудлари бўлиб қуйидаги грабенлар ҳисобланади: Марказий Ассакеаудан, Дарёлик-Даудан, Сарикамиш ва Юқори Узбой. Улар шимоли-ғарб йўналишдаги қатор сегментланган геодинамик элементларга бўлинади. Ҳар бир поғоналар ичида чизиқли йўналишга эга ёриқ-блокли типдаги мусбат ва манфий структуралар ажратилади.

Ер қобиғининг устки қисмида йўналишлар бўйича фарқ қилувчи қия ва силжима-узилмали бузилишларнинг учта кўппоғонали регматик системалари ажратилган. Биринчисига Марказий Устюрт дислокациялар системасининг ғарбий қисми ва Шахпахта кўтарилмаси ҳамда Ассакеаудан эгилмасининг шимолий ёнбағри киради. Иккинчисини Марказий Устюрт дислокациялар системасининг шарқий қисми, Дарёлик-Даудан грабени ва Шўржи кўтарилмаси ташкил этади. Учинчиси Қоплонқир вали ва Ассакеаудан эгилмасининг жанубий ёнбағрини ўз ичига олади. Улар неоген-тўртламчи геодинамик режимнинг кучланиш майдонига тўғри келади ва ёриқ-блокларнинг тартибланган тузилиши билан ажралиб туради (1а-расм).

Мавжуд фактик маълумотлар базаси 49 та чуқур қудуқ ва олтмишдан ортиқ УЧНМ-2D сейсмик профиллари бўлиб, улар турли йўналиш ва жойлашиш зичлигига эга. Кўпгина сейсмик профиллар меридионал ёки кенглик бўйича жойлашиши билан тавсифланади. Улар орасидан ёриқ-блокли структураларни кесишган ва жойлашиш йўналиши бўйлаб оптимал ва квази-оптимал жойлашган ишончли гуруҳи ажратиб олинади. Уларда асосий таянч қайтарувчи горизонтларни ва узилмали бузилишлар текисликларини ажратиш учун етарлича аниқлик мавжуд (1б-расм).



1-расм. Қия ва силжима узилмали бузилишларнинг учта кўпоғонали регматик системаларининг жойлашиш (А) ва Жанубий Уstyurt ботиғининг геологик-геофизик ўрганганлик (Б) схемаси (Тузувчи: К. М. Тухтаев; 2019 й.).


1 – ташқи геодинамик кучлар, 2 – ташқи геостатик кучлар, 3 – ички геодинамик кучланиш изолиниялари, 4 – I тартибли узилмали бузилишлар, 5 – II тартибли узилмали бузилишлар, 6 – III тартибли узилмали бузилишлар, 7 – сурилмалар, 8 – остки сурилмалар, 9 – силжишлар, 10 – нефть ва газ конлари.

Диссертациянинг «**Жанубий Уstyurt ботиғи нефть-газли мажмуасининг геологик-геофизик ва сейсмик-геологик кесимларининг оптимал системаси**» деб номланган иккинчи бобида регионал, зонал ва локал босқичдаги геологик-геофизик ва сейсмик-геологик кесимларнинг кетма-кетлик тавсифлари келтирилган. Регионал кесимларнинг кетма-кетлиги ер қобиғининг ёриқ-блокли тузилишининг алоҳида элементларини хариталашга мўлжалланган. Улар ЧСЗ-УЧН, СТКМ ларнинг ўзаро бир-бирини тўлдирувчи кўндаланг, квази-кўндаланг ва квази-бўйлама профилларидан иборат бўлиб, уларнинг умумий узунлиги 1130 пог. км га тенг. Иккита бўйлама, иккита квази-бўйлама ва битта квази-кўндаланг кесишмаларда бутун қобиқ бўйлаб ва юқори қобиқда қияланган ҳамда силжима бузилишларнинг регматик системаси мавжудлиги тасдиқланган.

Зонал кесимлар кетма-кетлиги кристалл пойдевор ва палеозой комплексининг ёриқ-блокли тузилишини ва асосий геотектоник элементларнинг чўкинди қатламининг пастки қисмини хариталаш учун мўлжалланган. Улар УЧНМ-2D нинг умумий узунлиги 796 пог. км ни ташкил этувчи бир-бирини ўзаро тўлдирувчи кўндаланг, квази-кўндаланг ва квази-бўйлама профиллар гуруҳларидан иборат. Уларни ўзаро стратиграфик боғлаш

учун 12 та чукур кудукдан фойдаланилди. Улар асосида учта регматик система ва блокларнинг конфигурация элементлари аниқлаштирилди (2-расм).

Локал кесимларнинг кетма-кетлиги палеозой комплексининг ёриқ-блокли тузилишини ва алоҳида истиқболли структураларнинг чўкинди қатламининг пастки қисмини муфассаллаштириш учун мўлжалланган. Улар УЧНМ-2D нинг умумий узунлиги 433 пог. км бўлган бир-бирини ўзаро тўлдирувчи кўндаланг, квази-кўндаланг, бўйлама ва квази-бўйлама профиллар гуруҳларидан иборат. Уларни ўзаро стратиграфик боғлаш учун 6 та чукур кудукдан фойдаланилди. Натижада Ҳаққберди, Осиё Йўлбарси, Шўржа, Шахпахта-Джел, Хожи, Қоплон ва Гокленкуй майдонларида палеозой комплекси ва чўкинди қатламининг пастки горизонтларидаги регматик система ва блокларнинг конфигурацияси муфассаллаштирилди.




2-расм. Зонал кўндаланг (А) ва бўйлама (Б) сейсмик-геологик кесимларнинг УЧНМ-2D профиллари бўйича кесишган ҳолда ва Жанубий Устюрт ботиғининг асосий геотектоник элементларининг жойлашиши бўйича кетма-кетлиги (Тузувчи: К.М. Тухтаев, «Ўзбекгеофизика» АЖ, «Саратовнефтегеофизика» МЧЖ, «Kogas» компанияси материаллари асосида, 2019 й).

Диссертациянинг «Жанубий Устюрт ботиғи нефть-газли мажмуасининг асосий структура юзларининг ёриқ-блокли тузилишини муфассаллаштириш» деб номланган учинчи бобида кристалл пойдевор, палеозой комплекси, оралиқ перм-триас қатлами, қуйи-, ўрта ва юқори юра ётқизиқлари юзасининг ёриқ-блокли тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Кристалл пойдеворнинг ёриқ-блокли юзасининг структуравий харитасида қия ва силжима-узилмали бузилишларнинг I, II ва III тартибли

бутун регматик системалари билан бўлинган метаморфик жинсларнинг энг паст ва қаттиқ қатламининг тузилиши кўрсатилган. У 6-10 км гача бўлган кичик ўлчамдаги изометрик ва тўртбурчак блокларнинг тартибли кетма-кетлигидан иборат. Изометрик-майда блокли ва кескин фарқланадиган бир жинсли геологик муҳит сифатида тавсифланади (3а-расм).



3-расм. Жанубий Устюрт ботиғининг кристалл пойдевори (А), палеозой комплекси (Б), оралиқ перм-триас қатлами (В), қуйи юра (Г), ўрта юра (Д) ва юқори юра (Е) ётқизиқлари юзаларининг ёриқ-блокли тузилишини структуравий хариталари тўплами (Тузувчи: Тўхтаев К.М.; 2019 й.).

1 – I тартибли узилмали бузилишлар, 2 – II тартибли узилмали бузилишлар, 3 – III тартибли узилмали бузилишлар, 4 – сурилмалар, 5 – остки сурилмалар, 6 – силжишлар, 7 – юза изогипсалари, 8 – хариталанаётган ётқизиқлар мавжуд бўлмаган областлар.

Палеозой комплексининг ёриқ-блокли юзасининг структуравий харитасида магматик, вулканоген-чўкинди ва чўкинди жинсларнинг иккинчи бир жинсли бўлмаган қаттиқ қатламининг тузилиши ифодаланган ва бу қатлам қия ва силжима узилмали бузилишларнинг I, II ва III тартибли учта бутун регматик системаларини ёриб ўтган. Улар 6-10 км гача бўлган кичик ўлчамдаги изометрик ва тўртбурчакли блокларнинг тартибли кетма-кетлиги бўлиб, блокларнинг марказларида ва уларнинг атрофларида чўкиши ва кўтарилиш кузатилади. У изометрик-майда-блокли ва кескин фарқланадиган, гетероген геологик муҳит сифатида тавсифланади (3.б- расм).

Оралик перм-триас қатламидаги ёриқ-блокли юзанинг структуравий харитасида ўзгарувчан қалинликдаги чўкинди жинсларнинг биринчи пластик хусусиятли қатламининг тузилиши ифодаланган ва бу қатлам қия ва силжима узилмали бузилишларнинг фақат I, II ва қисман III тартибли иккита регматик системаларини ёриб ўтган. Улар 10-15 км гача бўлган катта ўлчамдаги тўртбурчакли блокларнинг тартибли кетма-кетлигидан иборат. У изометрик-чизиқли, ҳар хил жинсли-блокли ва текис геологик муҳит сифатида тавсифланади (3в-расм).

Қуйи юра даври ётқизикларининг ёриқ-блокли юзасининг структуравий харитасида чўкинди жинсларнинг иккинчи пластик хусусиятли қатламининг қалинлиги сақланган ҳолдаги тузилиши ифодаланган. Бу қатлам қия ва силжима узилмали-бузилишларнинг I, II ва қисман III тартибли юқори амплитудали, субвертикал флексура-узилмали зоналарга трансформацияланадиган иккита регматик системаларни ёриб ўтган. Катта ўлчамдаги тўртбурчакли блоклар ва уларнинг бўлинмаган гуруҳлари кетма-кетлигидан иборат. Йирик-блокли, чизиқли ва нисбатан текис геологик муҳит сифатида тавсифланади (3г-расм).


Ўрта юра даври ётқизикларининг ёриқ-блокли юзасининг структуравий харитасида чўкинди жинсларнинг учинчи пластик хусусиятли қатламининг қалинлиги сақланган ҳолдаги тузилиши ифодаланган. Бу қатлам қия ва силжима-узилмали бузилишларнинг I, II тартибли юқори амплитудали, субвертикал флексура-узилмали зоналарга трансформацияланадиган учта регматик системаларни остидан ёриб ўтган. Чўзилган тўртбурчаклар шаклида кўтарилган блоклар ва кенг бузилмаган чўккан ареалларнинг кетма-кетлигидан иборат. Йирик-блокли, чизиқли ва текис геологик муҳит сифатида тавсифланади (3д-расм).

Юқори юра даври ётқизикларининг ёриқ-блокли юзасининг структуравий харитасида чўкинди жинсларнинг тўртинчи пластик хусусиятли қатламининг қалинлиги сақланган ҳолдаги тузилиши ифодаланган. Бу қатлам энг юқори амплитудали, субвертикал флексура-узилмали зоналарни остидан ёриб ўтган. Бузилмаган учта зоналарнинг кетма-кетлигидан иборат. Пликатив характерли дислокацияга учраган, блок бўлаолмаган (яхлит) геологик муҳит сифатида тавсифланади. Бу муҳит ажратилган флексура-узилмали зоналар ёрдамида алоҳида-алоҳида геоструктуравий элементларга бўлинади (3е-расм).

Диссертациянинг «**Жанубий Устюрт ботиғидаги нефть-газли палеозой комплекси ва чўкинди қатламининг қуйи горизонтлари бўйича геотектоник районлаштириш**» деб номланган тўртинчи бобида кристалл пойдевор, палеозой комплекси ва оралик перм-триас қатламининг структуравий юзаларини умумлаштириш жараёни, оралик перм-триас қатлами, қуйи, ўрта ва юқори юра қатламларининг структуравий юзаларини умумлаштириш жараёни ҳамда палеозой комплекси ва чўкинди қатламининг пастки горизонтларининг умумлаштирилган структуравий юзаларини синтез қилиш жараёнлари келтирилган.

Уч юзани, яъни кристалл пойдевори, палеозой комплекси ва оралик перм-триас қатлами юзаларини умумлаштириш натижасида палеозой

комплексининг ёриқ-блоккли юзасини келтиришнинг пастки даражаси сифатида ишлатиш мумкин. Чунки у комплекснинг структуравий хусусиятларини ва таркибий геотектоник элементларини урта тартибга солинган изометрик ва тўртбурчакли блоклар кўринишида тўлиқ ифода этади (4а-расм).



4-расм. Палеозой комплекси (А) ва юқори юра даври ётқизиқларининг (Б) структуравий планлари синтези ва Жанубий Устюрт ботиғининг палеозой комплекси ва чўкинди қопламаниннг пастки горизонтлари бўйича геотектоник харитаси (В) (Тузувчи: К.М.Тухтаев; 2019).

1 – флексура-узилмали зоналар, 2 – I тартибли узилмали бузилишлар, 3 – II тартибли узилмали бузилишлар, 4 – III тартибли узилмали бузилишлар, 5 – сурилмалар, 6 – остки сурилмалар, 7 – силжишлар, 8 – максимал сиқилган мусбат блоклар, 9 – минимал сиқилган мусбат блоклар, 10 – минимал чўзилган манфий блоклар, 11 – максимал чўзилган манфий блоклар, 12 – палеозой комплекси юзаси изогипслари, 13 – нефть ва газ конлари, 14 – бургуланаётган структуралар, 15 – бурғилаш натижалари салбий бўлган структуралар, 16 – белгиланган структуралар, 17 – УЧН профиллари ва чуқур кудуқлар.


Тўрт юзани, жумладан оралиқ перм-триас қатлами, қуйи-, ўрта- ва юқори юра даври ётқизиқларини умумлаштириш натижасида юқори юра даври ётқизиқларининг ёриқ-блоккли юзасини келтиришнинг юқори даражаси сифатида ишлатиш мумкин. Чунки у комплекснинг структуравий хусусиятлари ва таркибий геотектоник элементларини йирик блоклар ва бузилмаган ареалларнинг чизиқли кетма-кетлиги кўринишида тўлиқ ифода этади ва шу билан унинг тузилиши қопламисти палеозой комплекси билан узлуксизлиги таъминланади (4б-расм).

Палеозой комплекси ва юқори юра даври ётқизиқларининг структуравий тузилишининг синтези кузатилаётган геотектоник элементларни етарли

даражада қаттиқ пойдевор ҳамда пластик хусусиятли копламага эга бўлган икки қаватли геологик маконнинг таркибида тавсифлашга имкон беради. Икки қаватли геологик маконнинг пастки ва юқори қисмидаги кичик блоклар ва флексура-бузилишли зоналари чегараларининг ҳолати унинг парчаланиш ва дислокацияланиш даражасини акс эттиради. Пастки қават тўртта гипсометрик сатҳларда жойлашган изометрик ва бир жинсли бўлмаган чизиқли блокларнинг бирикмасидан иборат. Уларнинг табиий чегаралари сифатида I, II, ва III тартибли қия ва силжимали узилмали-бузилишлар учта регматик системаларининг элементлари ҳисобланади. Юқори қават фақат энг катта узилмали бузилишлар ёки флексура-узилмали зоналар билан бўлинган текис блокларнинг бирикмасидан иборат (4в-расм).

Диссертациянинг «**Жанубий Устюрт ботиғи палеозой комплекси ва чўкинди қатлами пастки горизонтларининг нефть-газлилигини башоратлаш**» деб номланган бешинчи бобида углеводород хом ашёсининг ноанъанавий уюмларини шаклланиши учун мақбул бўлган блок ва узилмали бузилишларни локализациялаш ҳақида маълумотлар ҳамда геологик-разведка ишларининг келгусидаги асосланган йўналишлари келтирилади. Палеозой эрасининг дарзланган жинслардан иборат айрим блоклари ва уларни қоплаб турган ётқизиклари нефть ва газга истиқболли объектлар сифатида кўриб чиқилади. Улар кичик сиқилиш ёки чўзилиш таъсири остида бўлади ҳамда палеозой рифт системаларидаги нефть-газ ҳосил бўлиш ўчоғидан углеводородларнинг миграция бўладиган йўлларида жойлашади. Иккинчи даражали максимал сиқилиш остидаги мусбат блоклар умуман истиқболсиз деб ҳисобланиши керак. Юра даври ётқизикларидаги маълум Шахпахта ва Джел уюмларини иккиламчи ҳосил бўлган уюмлар қаторига киритиш керак. Чунки уларнинг ҳосил бўлиши углеводородларнинг кўндаланг силжималар орқали миграцияси билан боғлиқ. Юра даврининг махсулдор қатламлари таркибидаги бошқа локал структуралардан олинган салбий натижалар углеводородларни миграцияси учун шароитларнинг мавжуд бўлмаганлигини билдиради.

Нефть-газгеологик районлаштириш натижасида Марказий Ассакеаудан, Дарёлик-Даудан, Сарикамиш ва Юқори Ўзбой грабенларида нефть ва газ ҳосил бўлиш ўчоқларидан углеводородларни кўчиб ўтиш йўллари бўйлаб жойлашган бир нечта мақбул шароитли структураларни аниқлаш мумкин бўлади. Улар Тасаюк, Дарёлик-Даудан, Жанубий Шоржин, Узунқуюн, Шарқий Ассакеаудан ва Агин истиқболли участкалар чегарасида жойлашган. Бу ҳудудларда геофизик кузатувлар комплексини: УЧНМ-3D, сейсморазведка ва электроразведка (МТЗ) тадқиқотларини ўтказиш тавсия этилади, бунда дала кузатувининг оптимал системасидан ва олинган материалларни кенгайтирилган графалар билан ишлов беришдан фойдаланилади. Бундай ишлов беришнинг асосий вазифасига маҳаллий регматик системалардаги ва таянч геофизик горизонтлардаги структуралар юзаларини биргаликда трассалаш мансуб бўлиб, кейинчалик юқори даражада дарзланган локал зоналарни ва углеводород резервуарларини ажратиш мумкин бўлади (5-расм).



5-расм. Жанубий Устюрт ботиғи палеозой комплекси ва чўкинди қоплам пастки горизонтлари (А) бўйича нефть-газгеологик районлаштириш харитаси ва Тасаяк (Б), Дарёлик-Даудан ва Жанубий Шоржин (В) истиқболли участкаларида дала геофизик кузатуви оптимал системаларини жойлашиш схемаси (Тузувчи: К. М.Тухтаев; 2019 й).

1 – I тартибли узилишли бузилишлар, 2 – II тартибли узилишли бузилишлар, 3 – III тартибли узилишли бузилишлар, 4 – надвиглар, 5 – поддвиглар, 6 – силжималар, 7 – истиқболсиз блоклар, 8 – кам истиқболли блоклар, 9 – ўртача истиқболли блоклар, 10 – юқори истиқболли блоклар, 11 – нефть-газ тўпланиш манбалари, 12 – нефть ва газ конлари, 13 – бурғиланаётган структуралар, 14 – салбий натижа берган структуралар, 15 – белгиланган структуралар, 16 – локал антиформалар, 17 – истиқболли участкалар.

ХУЛОСА

«Жанубий Устюрт ботиклигининг чўкинди қоплами куйи горизонтлари ва палеозой мажмуасининг чуқур геологик тузилиши ҳамда нефтьгазлилик истиқболлари» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотларга асосланган ҳолда, назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган куйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Жанубий Устюрт ботиғи ер қаърининг юқори қисмида неоген-тўртламчи даврда ҳосил бўлган қия ва силжима-узилмали бузилишларнинг уч поғонали регматик системалари аниқланган, улар ер қаърининг юқори қисмида узвий ёриқ-блокли структураларни ҳосил қилган.

2. Жанубий Устюрт ботиғидаги ёриқ-блокли тузилишли учта кўппоғонали регматик системаларнинг мавжудлигини регионал, зонал ва локал даражада тузилган кўндаланг, квази-кўндаланг, бўйлама ва квази-бўйлама геологик-геофизик ва сейсмогеологик кесимлар тасдиқлайди.

3. Регматик системалар сўнишини ва блоклар қиёфасини пастдан юқорига қараб ўзгаришини кристаллик пойдеворнинг, палеозой комплексининг, оралиқ перм-триас ётқизиқларининг, қуйи-, ўрта- ва юқори юра даври ётқизиқларининг ёриқ-блокли тузилишини ифодалайдиган структуралар хариталари комплекти тузилди.

4. Жанубий Устюрт ботиғининг палеозой комплексидаги ва чўкинди қоплам пастки горизонтларидаги ёриқ-блокли тузилишини тузилган геотектоник харита тўлиқ ва керакли аниқликда ифодалайди.

5. Жанубий Устюрт ботиғи айрим блоклари таркибидаги юқори даражада ўтказувчан ва дарзланган зоналарни углеводород флюидларининг миграцияси йўлидаги палеозой комплекси ва чўкинди қоплам остидаги горизонтларни нефть-газга истиқболли янги локал объектлар сифатида қараш мумкин.

6. Жанубий Устюрт ботиғи чегарасида Тасаюк, Дарёлик-Даудан, Жанубий Шоржин, Шаркий Ассакеаудан, Ғарбий Ассакеаудан ва Гокленкуи-Агиниш истиқболли участкалар ажратилди, улар нисбатан чўккан ва нефть-газ тўпланган манбаларнинг чекка қисмларида жойлашган, кучсиз дислокацияланган блоклар гуруҳидан иборат.

7. Ёриқ-блокли локал структураларни ўрганиш ва текшириш учун сейсморазведка УЧНМ-3D ва электроразведка (МТЗ) ни ўз ичига олган геофизик методларнинг универсал комплекси тавсия этилади.

8. Ҳар бир истиқболли участкаларда ажратилган ва ёриқ-блокли анизотропиянинг салбий эффектини йўқотиш мақсадида ёриқли бузилишлар чўзиқлигини ва истиқболли блоклар гуруҳининг қиёфасини ҳисобга оладиган дала геофизик кузатувларининг оптимал системалари ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.24/30.12.2019.GM.41.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ ГЕОЛОГИИ
И РАЗВЕДКИ НЕФТЯНЫХ И ГАЗОВЫХ МЕСТОРОЖДЕНИЙ
ИНСТИТУТ ГЕОЛОГИИ И РАЗВЕДКИ НЕФТЯНЫХ И ГАЗОВЫХ
МЕСТОРОЖДЕНИЙ**

ТУХТАЕВ КАБУЛ МУХАММАДИЕВИЧ

**ГЛУБИННОЕ ГЕОЛОГИЧЕСКОЕ СТРОЕНИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ
НЕФТЕГАЗОНОСНОСТИ ПАЛЕОЗОЙСКОГО КОМПЛЕКСА
И НИЖНИХ ГОРИЗОНТОВ ОСАДОЧНОГО ЧЕХЛА
ЮЖНО-УСТЮРТСКОЙ ВПАДИНЫ**

**04.00.07 – Геология, поиски и разведка нефтяных
и газовых месторождений**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ГЕОЛОГО-МИНЕРАЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020 г.

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2018.4.PhD/GM48

Диссертация выполнена в Институте геологии и разведки нефтяных и газовых месторождений.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета (www.ing.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Абдуллаев Гайбулла Сайфуллаевич**
доктор геолого-минералогических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Богданов Александр Николаевич**
доктор геолого-минералогических наук,
старший научный сотрудник

Холисматов Ирмухаммад
кандидат геолого-минералогических наук, доцент

Ведущая организация: **АО «Узбекгеофизика»**

Защита диссертации состоится «21» октября 2020 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.24/30.12.2019.GM41.01 при Институте геологии и разведки нефтяных и газовых месторождений по адресу: 100059, г. Ташкент, ул. Ш. Руставели, 114. Тел.: (+998) 71-253-09-78, факс: (+998) 71-250-92-15, e-mail: igirnigm@ing.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института геологии и разведки нефтяных и газовых месторождений (зарегистрирована за № 4138). Адрес: 100059, г. Ташкент, ул. Ш. Руставели, 114. Тел.: (+998) 71-253-09-78, факс: (+998) 71-250-92-15, e-mail: igirnigm@ing.uz.

Автореферат диссертации разослан «30» сентября 2020 г.
(реестр протокола рассылки №1 от «03» сентября 2020 г.)

Ю.И.Иргашев

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.г.-м.н., профессор

М.Г. Юлдашева

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, к.г.-м.н.

Т.Х.Шоймуротов

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.г.-м.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире развитие нефтегазовой промышленности сопровождается повышением объема поисково-разведочных работ за счет активного внедрения новых методических приемов поисков залежей углеводородов в нетрадиционных локальных объектах, приуроченных к глубоководным горизонтам осадочного чехла и подчехольного палеозойского комплекса. В связи с этим, одной из приоритетных задач нефтегазовой отрасли является исследование закономерностей горизонтальных перемещений литосферных блоков с формированием нефтегазоперспективных разломно-блоковых локальных структур.

В настоящее время в мире особое внимание уделяется изучению структурных планов и вещественного состава погребенных подчехольных комплексов с картированием региональных линеаментов, глубинных разломов, многоуровневых регматических систем наклонных и сдвиговых разрывных нарушений, зон повышенной трещиноватости и др. Для решения этих задач проводятся различные исследования, в том числе: численное моделирование горизонтальных механических напряжений с использованием данных полевых геофизических наблюдений и материалов бурения глубоких скважин, определение геодинамических закономерностей горизонтальных перемещений отдельных блоков земной коры, обоснование роли неоген-четвертичного геодинамического режима в формировании структурных планов палеозойского комплекса и нижних горизонтов осадочного чехла, особенностей формирования нефтегазоносных формаций, что является актуальной проблемой.

В республике особое внимание уделяется развитию топливно-энергетического комплекса, которое напрямую связано с повышением запасов углеводородного сырья и увеличением его добычи. Это обуславливает необходимость в наращивании объемов геологоразведочных работ, в том числе за счет включения в поисково-разведочные работы глубоководным горизонтам осадочного чехла и подчехольного палеозойского комплекса. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены меры по «... дальнейшей модернизации и диверсификации промышленности, путем перевода ее на качественно новый уровень, направленные на опережающее развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей...»¹. Исходя из этого, одной из важнейших проблем является изучение палеозойского комплекса и нижних горизонтов осадочного чехла Южно-Устюртской впадины для прогноза нефтегазоносности и выявления новых локальных объектов, что имеет большое научное и практическое значение.

Данное диссертационное исследование способствует выполнению задач,

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан, №УП-4947 от 07.02.2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №УП-5646 от 01.02.2019 г. «О мерах по коренному совершенствованию системы управления топливно-энергетической отраслью Республики Узбекистан, Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-2755 от 02.02.2017 г. «О мерах по расширению геологоразведочных работ в Устюртском нефтегазоносном регионе Республики Узбекистан», №ПП-3006 от 25.05.2017 г. «Об утверждении Государственной программы развития и воспроизводства минерально-сырьевой базы на период 2017-2021 годы», №ПП-4522 от 18.11.2019 г. «О мерах по совершенствованию системы организации и проведения геологоразведочных работ на нефть и газ», а также других нормативно-правовых документах, принятых в этой сфере.

